

## **Мактабгача таълим ташкилоти таъмирланмоқда**

Ижтимоий тармоқларда “Болалар боғчасида яроқсиз масаллиқлардан овқат тайёрланмоқда” сарлавҳали хабар эълон қилинди. Унда Фурқат тумани МТБ тасарруфидаги 40-сонли МТТ ошхона ва омборхонаси санитария талабларига жавоб бермаслиги, соғлом овқатлантириш талаблари бажарилмаётгани билдирилган.

40-сонли МТТга оид фото ва видеолавҳалар 2020 йил 15 февраль куни ижтимоий тармоқда эълон қилинган бўлиб, ундан олдинроқ яъни 13 февраль куни шу ҳудудда яшовчи фуқаронинг оғзаки мурожаатига асосан Фурқат тумани ҳокимлиги, Фурқат туман Мактабгача таълим бўлими масъул ҳодимлари томонидан ушбу мактабгача таълим ташкилоти ўрганилган.

Мазкур ташкилот 2018 йил май ойигача 24-сонли ДМТТ филиали сифатида фаолият юритган. 2018 йил май оидан бошлаб юридик мақом берилиб, 40-сонли ДМТТ сифатида фаолият бошлаган. Ташкилот ҳозирги кунда тўлиқ таъмирлашга муҳтожлиги сабабли 2020 йил ҳаражатлар сметасида бинони таъмирлаш учун маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Ўрганиш кунида ташкилот озиқ-овқат омборида сифатсиз маҳсулотлар мавжуд эмаслиги, ташкилот ҳамшираси томонидан юритиладиган брокераж комиссияси баённомалари дафтарида сифатсиз маҳсулотлар қайд этилмаганлиги, ижтимоий тармоқларда эълон қилинган фото ва видеолар анча аввал, ташкилотда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётган пайтда олинганилиги маълум бўлди.

Таълим ташкилоти фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида МТТ фаолияти 2020 йил 14 февралдан 24 февралгача вақтинча тўхтатилиб, маҳалла билан ҳамкорликда тегишли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, мактабгача таълим ташкилотининг раҳбари ва ошхона ишчиларига келтирилаётган маҳсулотларда таъминотчи корхона номи, сертификатлари бўлгандагина қабул қилиб олиш, таомномаларни талаб даражасида юритиш, кунлик синамалар олиб бориш ҳамда бракераж комиссияси фаолиятини тўғри юритиш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

2020-02-17 14:56:50